

дуо қилиб натижани Аллоҳдан сўраш ҳам шариатнинг талабидир.

Шунга кўра сабабият қонунлари ва дуонинг бир-бирларига алоқасини уч турга ажратиш мумкин:

1. Сабабларга суяниб дуони тарк қилиш , беодобликдир.

Масалан: мўл ҳосил олмоқчи бўлган деҳқон ерини шудгорласа, уруғларнинг яхшисини танласа, экинларини ўз вақтида суғурса, қўйингки мўл ҳосил олишга сабаб қилиб қўйилган барча нарсаларни амалга оширсаю, дуога бепарво бўлса, мўл ҳосилни фақатгина тайин қилиб қўйилган сабаблар яратади, деган ваҳм юзага келиб қолади. Бу эса барча нарсаларнинг тадбиркори бўлган Аллоҳ таолога нисбатан беодоблик бўлади.

2. Сабабларни юзага чиқаришга уринмасдан дуо қилиб ўтириш шариатни тушунмасликдир.

Масалан: Мадомики мўл ҳосил Аллоҳ таолонинг бериши билан бўлар экан ҳосилга сабаб қилиб қўйилган ишларни амалга ошириш ўрнига У зотга дуо қилишга “зўр бериш” керак, бу ёғи Аллоҳга таваккул, деган тушунчада бўлиш шариатни кўрсатмаларини тушунмаслик бўлади. Чунки дуо қилишга буюрган шариат, сабабларни юзага чиқаришга ҳам буюргандир.

Бу ҳақида Саҳл Тустарий роҳматуллоҳи алайҳнинг ажойиб сўзлари бор: “кимки ҳаракатни (сабабларни рўёбга чиқаришни) ҳақир санаган бўлса, суннатни ҳақир санаган бўлади, кимки таваккулни ҳақир санаган бўлса, иймонни ҳақир санаган бўлади. Таваккул Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳолларидир, касб (сабабларни рўёбга чиқариш) у зотнинг суннатларидир. У зотнинг ҳолларига амал қилган киши асло суннатларини тарк қилмасин”.

3. Сабабларни юзага чиқариб натижани Аллоҳдан сўраш шариат талабидир.

Масалан: мўл ҳосил олмоқчи бўлганларга аввал мўл ҳосил олишнинг сабабларини юзага чиқаришни, сўнгра мўл ҳосилни Аллоҳ таолодан сўраш шариат талаби ҳисобланади.

Демак дуо қилувчи сабабларга суяниб ҳам қолмайди, уларни бекорга ҳам чиқармайди, балки имкониятида бор сабабларни бажариб натижани Аллоҳ таолодан сўраб дуо қилиб боради.

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, пайғамбаримиз Муҳаммад мустафога салавот ва саломлар бўлсин.

Абдулқодир Абдур Раҳим